

Ўзбекистон Республикаси
Адлия Вазирлиги
томонидан
«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»
№ _____
2011 йил « ____ » _____

«0000000000000000»
Korxonalar Uyushmasi
аъзоларининг
умумий йиғилишида
«ТАСДИҚЛАНГАН»
2011 йил «000» августдаги
баённомаси билан

«00000000000000000000»
Korxonalari Uyushmasi
Таъсис шартномаси

1. УЮШМА АЪЗОЛАРИ.

1.1. Кўйидагилар:

- «000000000000» масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент, Чилонзор тумани, 000000 кўчаси, 000 уй; Тошкент, Чилонзор тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2011 йил “000” июнда 000000-сон билан рўйхатга олинган) Директори 00000000000000000000;
- «000000000000» масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: Самарқанд вилояти, 00000000 тумани, 00000 кўчаси; 000-уй, 0000000 тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2011 йил “000” апрелда 000000 сон билан рўйхатга олинган) Директори 00000000000000000000;
- «000000000000» масъулияти чекланган жамияти (почта манзили: Тошкент вилояти, 000000000000 тумани, 00000 кўчаси; 000-уй, 0000000 тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш Инспекцияси томонидан 2011 йил “000” апрелда 000000 сон билан рўйхатга олинган) Директори 00000000000000000000;

Матнда аъзолар ёки қатнашчилар деб юритилаётган юридик шахслар ушбу таъсис шартномасини кўйидаги мақсадда тузишди:

1.2. «Уюшма», ўз аъзоларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва юксалтириш, Уюшманинг уставда белгиланган мақсадларга эришиш учун биргаликдаги фаолият асосида ташкил этилган.

1.3. «Уюшма» аъзоларининг таркиби, бошқа юридик шахсларнинг Уюшма аъзолигига кириши эвазига ўзгариши мумкин.

1.4. «Уюшма» тижорат фаолияти билан шуғулланмайди, ўз олдига фаолиятдан фойда олиш мақсад қилиб қўймайди.

2. НОМИ, ПОЧТА МАНЗИЛИ, ФАОЛИЯТ МУДДАТИ

2.1. «Уюшма»нинг номи:

- давлат тилида тўлиқ номи: «0000000000000000» Korxonalari Uyushmasi
- рус тилида тўлиқ номи: Ассоциация Предприятий «0000000000000000»;
- инглиз тилида тўлиқ номи: «0000000000000000» Manufacturer's Association

2.2. «Уюшма»нинг фаолият муддати чекланмаган.

2.3. «Уюшма»нинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 0000000000 тумани, 0000000000 кўчаси, 00000 уй.

3. УЮШМАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ.

3.1. «Уюшма» давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади, ўзининг мустақил балансига, ҳисоб, жорий ва бошқа ҳисоб - рақамларига, ўз номидаги муҳр, эмблема, товар белгисига ва бошқа реқвизитларига эга бўлади.

3.2. «Уюшма» давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб мулкӣ ва номулкий, ўз номидан шартномалар тузишга, судда даъвогар ёки жавобгар бўлиш ҳуқуқларига эга бўлади.

3.3. «Уюшма» амалдаги қонунчиликка кўра филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

3.4. «Уюшма» акция ёки Устав фондида улушларни сотиб олиш йўли билан бошқа ташкилотлар фаолиятларида қатнашиш эга.

3.5. «Уюшма» ўз мажбуриятлари юзасидан тасарруфидаги барча мол-мулки билан жавобгар бўлади.

3.6. «Уюшма» ўз аъзоларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари «Уюшма»нинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек «Уюшма» ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3.7. «Уюшма»нинг барча аъзолари ўз мустақиллигини ҳамда юридик шахс мақомини сақлаб қоладилар.«Уюшма» ўз фаолиятини аъзолар ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлиги асосида амалга оширади.

3.8. «Уюшма» қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

3.8.1. Қонун билан белгиланган тартибда контракт, меҳнат шартномаларини ишчи ва хизматчиларни келишув асосида тузиши мумкин.

3.8.2. «Уюшма» фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилиш бўйича маҳаллий мутахассисларни чет элга хизмат сафарларига юбориш ва хорижий мутахассисларни таклиф этиш.

3.8.3. Шартномалар асосида банк кредитларидан фойдаланиш ва улар бўйича ўз мулки билан жавоб бериш.

3.8.4. Давлат органларидан ва хўжалик юритувчи ташкилотларидан ўзининг фаолиятига тегишли хабар, ахборот ва маълумотларни олиш, ўз аъзоларига етказиб бериш.

3.9. Уюшма уставда белгиланган мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадир.

3.10. Уюшманинг мажбуриятлари:

3.10.1. Ўзбекистон Республикасининг қонун, шунингдек таъсис ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга риоя этиши.

3.10.2. Рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда ҳисоботлар тақдим этиб боради.

4. УЮШМАГА АЪЗОЛИК, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1. «Уюшма» аъзоларини бирлаштириш Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қилган ҳолда фақат ихтиёрий асосда амалга оширилади.

4.2. Уюшма устави ҳамда бошқа ички меъёрий ҳужжатларини эътироф этадиган, белгиланган бадалларни ўз вақтида тўлайдиган юридик шахслар Уюшма аъзолари бўлиши мумкин.

4.3. Юридик шахснинг ёзма аризаси ва аъзолик бадали тўлови Уюшма аъзолигига қабул қилиш учун асос бўлади.

4.4. «Уюшма» аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- Уюшма фаолияти маълумотлар олиш;
- Уюшма бошқаруви органларига таклифлар киритиш ва уларнинг муҳокамасида иштирок этиш;
- Уюшманинг аниқ дастур ва лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этиш;
- Уюшма ижро органлари хизматларидан фойдаланиш;
- Уюшманинг ахборот базаси маълумотларига кириш имконига эга бўлиш, илмий-услубий маълумотларидан фойдаланиш;
- Уставга мувофиқ, Уюшма бошқаруви органларига номзодларни таклиф қилиш ва сайлаш;
- Уюшма фаолиятига тегишли барча масалалар бўйича қарорларни қабул қилишда иштирок этиш;
- Унинг хизматларидан беғараз фойдаланиш;
- Умумий йиғилишларда овоз бериш пайтида тенг овозлар сонига эга бўлиш;
- Уюшма фаолияти бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини киритиш, ушбу масалаларни кўриб чиқишда иштирок этиш;
- Уюшма фаолияти, унинг режа ва дастурлар ҳақидаги маълумотларни олиш;
- Уюшма бошқарув органларидан умумий йиғилиш қарорлари бажарилиш аҳволи ва ўз таклифлари ҳақидаги маълумотларни талаб қилиш;

- Уюшманинг умумий ва навбатдан ташқари йиғилишлари кун тартибига таклифлар киритиш;
- Уюшма органларига унинг фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай масалалар бўйича мурожаат қилиш;
- Уюшмага маслаҳат, услубий ва бошқа ёрдам юзасидан мурожаат қилиш;
- Уюшма аъзоларидан белгиланган тартибда чиқиш;

4.5. «Уюшма» аъзоларининг мажбуриятлари:

- Уставга амал қилиш;
- Белгиланган муддатларда аъзолик бадалларини тўлаб бориш;
- Уюшма умумий йиғилиш қарорларини бажариш;
- Почта манзили, алоқа телефон рақамлари ўзгарганлиги ўз вақтида хабардор қилиш;

4.6. «Уюшма» аъзоларидан чиқариш асослар:

- Амалдаги қонунчилик ва Уставда ақс этирилган мажбуриятларини қўпол равишда бузиш;
- Уюшманинг бошқарув органи қарорларини бажармаслик;
- Бир йил давомида аъзолик бадалларини тўламаслик.

4.7. «Уюшма» аъзоларидан чиқиш ёки чиқариш пайтида илгари тўланган аъзолик ва бошқа бадаллар қайтарилмайди.

5. МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ.

5.1. «Уюшма»нинг мол-мулки асосий ва айланма воситаларидан, ҳамда бошқа воситалардан унинг мустақил балансида ақс этирилган мулкидан иборат.

5.2. «Уюшма» қонунчиликда белгиланган тартибда ўз мулкига эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқига эга.

5.3. «Уюшма» амалдаги қонунчиликка мувофиқ мол-мулкни ўз воситалари, банк кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан сотиб олиш ва ижарага олишга ҳақлидир.

5.4. «Уюшма»нинг мол-мулки шаклланадиган манбалари:

- Уюшма аъзоларининг аъзолик бадаллари;
- Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

5.5. Уюшма аъзоларига кирувчи хўжалик субъектларининг ажратмаларидан;

- хайрия бадалларидан.
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия ёрдамлари;

5.6. Уюшма нотижорат ташкилоти ҳисобланади, солиқ ва бошқа тўловларини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

6. УЮШМАНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНИ.

6.1. Уюшманинг бошқарув органлари:

- олий бошқарув органи – Уюшма аъзолари Умумий Йиғилиши;
- ижроия органи – Уюшма Бошқаруви.

6.2. Уюшманинг бошқарув органларининг фаолияти ва ваколатлари Уставида белгиланади.

7. ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

7.1. Уюшма иш натижалари ҳисобини олиб боради. Оператив бухгалтерия ва статистика ҳисобларини юритади. Уюшмада бу ҳисоб ва ҳисоботлар амалдаги қонунларга мувофиқ олиб борилади.

7.2. Уюшма фаолиятининг молия йили 1-январдан 31-декабргача белгиланади.

7.3. Уюшма баланси Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси сўмда белгиланади.

- 7.4. Ҳисоб-китоб олиб борилиши ва ҳолати учун жавобгарлик бош ҳисобчига ёки унинг вазифасини бажарувчи мансабдор шахсга юклатилади.
- 7.5. Уюшма жойлашган бинода пуллик ҳужжатлар юритилади ва сақланади, шу жумладан;
- 7.5.1. Уюшма таъсис ҳужжатлари, ички муносабатларни тартибга солувчи бошқа норматив ҳужжатлар, таъсис ҳужжатларга киритилган ва тасдиқланган ўзгартириш ва қўшимчалар.
- 7.5.2. Қонунда назарда тутилган бухгалтерлик ҳужжатлари.
- 7.5.3. Уюшма аъзоларининг умумий йиғилиши баённомалари.
- 7.5.4. Уюшма номидан ишонч қоғозига эга ходимларнинг рўйхати.
- 7.5.5. Уюшма ходимларининг умумий рўйхати.
- 7.5.6. Уюшма фаолиятининг статистик кўрсаткичлари.
- 7.5.7. Аудитор ва давлат молия назорати органининг хулосалари.

8. АУДИТОР

8.1. Уюшма ўз ҳисобидан молия - хўжалик фаолиятини аудитор ташкилоти орқали у билан тузилган шартнома асосида текширишни амалга ошириши мумкин.

9. МАХФИЙЛИК

- 9.1. Мазкур Шартномага ҳар бир Аъзо (Қатнашчи) бошқа томондан олинган тижорат ва молиявий ахборотларни қатъий сир тутати ва улар тарқалмаслиги учун зарурий чоратадбирларни кўради.
- 9.2. Махфий ахборотларни учинчи шахсларга бериш, нашр қилиш ва шундай ахборотни ошкор қилиш фақат бошқа қатнашчиларнинг розилиги олингандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

10. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР

- 10.1. Қатнашчилар мазкур Шартномада кўзда тутилган ўз мажбуриятларини бутунлай ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан, агар бундай бажармаслик вазияти энгиб бўлмайдиган ҳолатларнинг юзага келиши оқибатида содир этилган бўлса, озод қилинадилар. Энгиб бўлмайдиган ҳолатлар деганда, мазкур Шартнома имзолангандан кейин юзага келган иштирокчи тахмин қила олмаган ва ихтиёридаги чоралар билан олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар тушунилади.
- Энгиб бўлмайдиган ҳолатларга - сув тошқини, зилзила, ёнгин ёки бошқа табиий офатлар, ҳамда уруш, ҳарбий ҳаракатлар, давлат органларининг ҳаракатлари ёки актлари ёхуд бошқа, Томонларнинг назоратидан ташқарида бўлган ҳолатлар киради.
- 10.2. Агар 10.1. қисмда кўрсатилган ҳолатлар бошланса, Иштирокчи тезда бошқа иштирокчиларга бу тўғрисида ёзма хабар бериши лозим. Хабарда ҳолатнинг хусусияти ва иштирокчининг мазкур Шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришига ҳамда унинг амалга ошириш муддатига баҳо берилиши керак.

11. ТОРТИШУВЛАРНИ ЕЧИШ ТАРТИБИ

- 11.1. Уюшма аъзолари мазкур Шартнома билан боғлиқ келишмовчилик ва тортишувларни бир бирлари билан маслаҳат ва музокаралар йўли билан ечишга ҳаракат қиладилар.
- 11.2. Ўз мажбуриятларини сурункали бажармайдиган ёки нотўғри бажарадиган, ёхуд ўз ҳаракатлари билан Уюшманинг ўз олдига қўйган мақсадига эришишига тўсқинлик қиладиган Уюшма аъзоси Умумий йиғилиш қарори билан аъзоликдан чиқариб юборилиши мумкин.

12. МЕҲНАТ ҲАҚИ ВА ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТ

12.1. Уюшма меҳнатга ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш миқдори, ишга олиш ва бўшатиш масалаларини Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилган ҳолда мустақил ҳал қилади.

12.2. Уюшмада фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат қилиш ва дам олиш тартиби, уларнинг ижтимоий таъминлаш ва суғуртаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига биноан тартибга солинади. Бу қоидалар хорижий фуқароларга ҳам татбиқ қилинади.

13. БОШҚА ҚОИДАЛАР

13.1. Аъзолардан ҳеч бири, аъзоларнинг ёзма розилиги олинмасдан ушбу шартномадаги мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга эмас.

13.2. Ушбу шартнома имзоланган пайдан бошлаб, қатнашчилар ўртасидаги илгари бўлиб ўтган ва ушбу шартномага боғлиқ ёзишмалар, ҳужжатлар ва музокаралар ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

АЪЗОЛАР:

«000000000000000000000000000000000000»

масъулияти чекланган жамияти

Директори 000000000000000000000000000000000000

(имзо)

«000000000000000000000000000000000000»

масъулияти чекланган жамияти

Директори 000000000000000000000000000000000000

(имзо)

«000000000000000000000000000000000000»

масъулияти чекланган жамияти

Директор 000000000000000000000000000000000000

(имзо)